

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ МУАССАСАЛАРДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР САРФЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399332>

Норбеков Давронбой Эшмуродович, ТДИУ
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация: Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари ва уларнинг сарфланишига оид ахборотларнинг зарурлиги назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: бюджет ташкилотлар, бюджетдан ташқари маблағлар, даромад, ҳисоб, харажат.

Бугунги кунда мамлакатимизда энг асосий масала бюджет ташкилотларида бюджетдан молиялаштиришни қисқартириш, бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш орқали кўшимча молиялаштириш манбаларини яратишдир. Айрим харажатларни молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланилади, яъни булар давлат бюджети маблағлари эмас, балки бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этиладиган маблағлардир. Айни вақтда мамлакатимизда 10764та халқ таълим тизими муассасалари мавжуд бўлиб, 2023 йилда уларни молиялаштириш мақсадида Давлат бюджетидан 30823,4млрд.сўм маблағ йўналтирилди ва бундан 2022 йилга нисбатан умумий ўрта таълим харажатлари 1,18 баробарга ортганлигини кўришимиз мумкин»¹.

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълим тизими муассасаларида фаолият турига хос маҳсулот (иш,хизмат) лар реализатсияси тушумини, даромадлар ва харажатлар ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича кўрилган чора тадбирларни амалиётга қўллашни такомиллаштириш зарур масалалардан ҳисобланади. Халқ таълим тизими муассасалари фаолият соҳалари ва йўналишларидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлар шаклланади. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълим тизими муассасаларида фаолият турига хос маҳсулот (иш,хизмат) лар

¹ ”Фуқоралар учун бюджет.” 2022 йил лойиҳа. Тошкент 2021 йил. (www.openbudget.com)

реализацияси тушумини, даромадлар ва харажатлар ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича кўрилган чора тadbирларни амалиётга қўллашни такомиллаштириш зарур масалалардан ҳисобланади. Халқ таълим тизими муассасалари фаолият соҳалари ва йўналишларидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлар шакллантирилади.


Халқ таълим тизими муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон билан рўйхатдан ўтган «Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида»² ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 апрелдаги «Халқ таълими Вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида»³ низомига кўра бюджетдан ташқари маблағлар тушуми шакллантирилади ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Бугунги кунда, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши, ушбу пул маблағларининг қонунчиликда белгиланган мақсадларда сарфланиш тартибларини, уларнинг ҳисобини тўғри юритиш ҳамда назоратини амалга ошириш бўйича мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби қуйидаги харажатлар негизида амалга оширилади.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълим тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори (2021 йил 27-апрел, 243-сон)

³ О Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълим вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги низоми (2019-йил, 22 апрел, 343-сон)



1-расм. Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби⁴

Халқ таълим тизими муассасаларида 27 апрел 2021 йил 243-сон билан рўйхатдан ўтган “Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра бюджетдан ташқари маблағларидан ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бино ва иншоотларни, илмий лабораторияларни техник шартлар асосида жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш, халқаро илмий ахборот базалари ва кутубхона ресурсларига уланиш, ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш, ҳодимларни етакчи миллий ва жаҳонда энг юқори мингталик рейтингга кирувчи ёки йўналишлар бўйича жаҳонда энг юқори мингталик рейтингга кирувчи ёки йўналишлар бўйича жаҳонда энг юқори юзталик рейтингга кирувчи хорижий илмий-таълим муассасаларига қайта тайёрлов, малака ошириш ва амалиётга юбориш орқали кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, халқаро тан олинган илмий журналларда илмий тадқиқот натижаларини нашр қилиш учун сарф этилади.

Халқ таълим тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

⁴ Муаллиф томонидан шакллантирилган

тўғрисидаги низомга мувофиқ халқ таълим тизими муассаларида сарфланиш ҳисобини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларга доир қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш, анча йил олдин қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, замон талабларига, халқаро тажрибаларга мос келувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

бюджетдан ташқари маблағлар шаклланган муассасаларда маблағларнинг сарфи бўйича келиб чиқаётган муаммолар, жамғарма маблағларини умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари томонидан эркин йўналтириш ҳуқуқига эга бўлиши»⁵.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: “Иқтисод молия”., 2016.
2. Narbekova G.D. «Theoretical and methodological problems of extra-budgetary accounting in educational institutions» // ИМПАСТ: International Journal of Research in Business Management, Vol. 10, Issue 10, Oct 2022, pp. 1–10.
3. Бакайбаева А.С. Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш ё’ллари. икт. фан. фал. док. дис. автореферати. –Т.: 2020. – 52 б.

⁵ Narbekova G.D. “Xalq ta’limi tizimi muassasalarida byudjetdan tashqari mablag’larning sarflanish hisobini takomillashtirish” Iqtisodiyot va ta’lim” 2022-yil 5-son; 234-240b